



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2018-yil 4-aprel, chorshanba

№ 15 (1077)

1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan

Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz

www.hurriyat.uz

ТАЪЛИМНИНГ ПОЙДЕВОРИ мактабгача мустақкам бўлиши керак

Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан мактабгача таълим соҳасини, ривожлантириш ва фаолиятини такомиллаштириш, тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2

АФГОНИСТОН: бугун ва эртага нима бўлади?

Декларациянинг "Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик" бобида минтақада иқтисодий ҳамкорлик борасида Афғонистон – Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва бошқа минтақалар билан боғловчи табиий кўприк, деб эътироф этилмоқда.

5

ИНСОН ДУНЁГА ХҲР БЎЛИБ КЕЛАДИ, шундай яшашга лойиқ

Минг афсуски, афв этишга лойиқ кўрилмаган маҳкумлар ҳам бор. Бундай инсонлар, хусусан, тўғри йўлдан адашган хотин-қизлар тақдири бошқаларга сабоқ бўлар, деган мақсадда улар сақланаётган муассасалардан бирида ижодий сафарда бўлиб қайтдик. Куйида у ердан тайёрланган лавҳани эътиборингизга ҳавола этаймиз.

6

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўсимликлар карантин бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги фармони матбуотда эълон қилинди.

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган изчил ислохотлар, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Жиззах вилоятига ташриф буюрди.

29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

31 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуотда эълон қилинди.

3 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Курилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони матбуотда эълон қилинди.

ТОМОРКА — ДАРОВАД МАНБАИ


Фарғона вилояти
Олтиариқ тумани
Полосон қишлоғида
яшовчи Юрсинали
Хиросов тажрибали
соҳибкорлардан.

У 10 сотихли томорқасида "Мерседес", "Келин бармоқ" навли узум парваришлайди. Уч-тўрт йил аввал барпо этилган мазкур боғдан ўтган йили 5 тонналик ҳосил олди. Захира учун қолдирилган ҳосил оила дастурхонини ҳозиргача тўлдириб турибди.

Боғбон ердан унумли фойдаланиш мақсадида йил бошида тоқзорга плёнка остида помидор кўчати қадади. Баравж ривожланган экин айни пайтда гулга кириб, мева туга бошлади.

Суратларда: соҳибкор
Юрсинали Хиросов
томорқада.

М.ҚОДИРОВ
ЎЗА олган суратлар.



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Самарқанд алломалари", "Самарқанд ёдгорликлари" ва "ИШИДнинг ботил ғоялари ва уларга раддиялар" китобларининг тақдироти бўлиб ўтди.

ЯНГИ КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази нашриёти томонидан чоп этилган мазкур китоблар марказ ташкил топган кундан бошлаб, бир йил мобайнида бажарилган илмий-тадқиқот фаолиятининг ўзига хос ҳисоботи бўлди.

Тақдимотда академик-олимлар, профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, тадқиқотчилар, талабалар, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Табрида бугунги глобаллашув жараёнида юртимизда ислом динининг асл мазмун-моҳиятини, буюк алломаларимизнинг илмий ва маънавий меросини, панду-ўғитларини ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.

Мазкур китоблар умумтаълим, ўрта махсус таълим ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабаларининг тарихий билимларга асосланган ҳуқуқий, диний билиминини бойитишга кўмаклашиш билан бирга, илмий тадқиқотчилар, тарихчи ва манбашунослар учун манбавий асос бўлиб хизмат қилади.

"Самарқанд алломалари" ва "Самарқанд ёдгорликлари" китобларида Самарқанд вилоятининг бой тарихи, улғу алломалари, маданий объектлари, зиёратгоҳлар, маданий меросга оид иншоотлар тарихий ҳамда замонавий су-

ратлар билан безатилиб, улар ҳақида батафсил маълумот берилган. Китобнинг тайёрланиш жараёнида Самарқанддан етишиб чиққан алломалар тарихи ва улар томонидан қолдирилган илмий-маънавий мерос кенг ўрганилиб, муҳим маълумотлар келтирилган. Тадқиқот натижасида ҳали кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган бир қанча буюк шахслар, аллома ва мутафаккирлар тарихи ҳам ўрганилиб, илмий муомалага киритилган.

"ИШИДнинг ботил ғоялари ва уларга раддиялар" китобида бугунги кунда ўзларининг ботил ғояларини илгари суриб, "тақфир", «жиход», «хижрат», «байъат», «тоғут», «халифалик» сингари қақриқлар билан дунё афкор оммасини ташвишга солаётган барча ёғ диний оқимларга нисбатан "жаҳолатга қарши маърифат" услубида раддиялар берилган. Китоб диний мутахассислар, профессорлар билан шуғулланувчи соҳа хизматчилари, диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчилар ҳамда маърифий ишлар билан машғул бўлган юртдошларимизга мўлжалланган.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази матбуот хизмати.
ЎЗА

Журналистика соҳасида "ОЛТИН ҚАЛАМ"

XIII миллий мукофоти танлови давом этмоқда

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позиция-

ларини намоён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" XIII миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

Танлов шартлари:

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Радиоешиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини тантанали мукофотлаш маросими 2018 йил 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига" деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
3-қavat.

Телефонлар: 244-64-61, 244-37-87.
www.journalist.uz



3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2017 йилнинг 31 мартдан 2018 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2018 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУКОФОТЛАР ТАЪСИС ЭТИЛГАН:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот
Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

оммавий ахборот воситаларида китобхонлик маданияти тарғиб қилинган энг яхши материал учун;
чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун;
энг яхши фоторепортаж;
энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар ғолиблари диплом, "Олтин қалам" статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

"Олтин қалам" танлови ғолибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш "Илҳом" жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО каби қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналар ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Газета ўқишга узокни кўра олмайди!

Ўқинг, баҳра олинг ва уни

дўстларингизга

ҳам ҳадя этинг.

"Hurriyat" да чоп этилган

материаллар билан www

hurriyat.uz сайти орқали ҳам

танишингиз

мумкин.



"HURRIYAT"
ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ
ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛИШИГА
ИШОНАМИЗ!

► ТАДБИР

Адабиёт ва
журналистика

зарур эмас. Ёзувчилар бугун асарларини ёзишни якунлапса, уни интернетга жойлаштириб, шу захотиеъ мухлисларнинг муносабатини билиб олишлари мумкин. Хозирда адибларнинг шахсий сайтлари, махсус интернет нашриётлари, мухлислар фикрини ифода этиш учун кулай форумлари мавжуд. Адиб у ёки бу асрини қанча китобсевар ўқиганлигини шу ондаёқ билиш имконияти бор.

Шу ўринда яна бир гап: ҳеч бир техник воситалар адабиётнинг ўрнини боса олмади. Ҳеч бири уни таққорламади. Балки анъанавий китоб ўқиш маданиятига ўзгача бир маъно бағишлади. СЎЗни тинглаш, уни томоша қилиш ва бошқаларга шу ондаёқ етказиш имкониятини вужудга келтирди. Техникавий имкониятлардан фойдаланиш усуллари бу воситаларнинг қандай йўналишда таъсир қилишини белгиледи. Демак, телевизион кўриш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг меъёр ва мезонларига риоя қилиш уларнинг салбий оқибатларининг олдини олади.

Бугунги кунда техник воситаларнинг салбий жиҳатларининг олдини олишнинг маънавий асослари иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалар каби ҳукумат даражасида ҳал қилинадиган масалалардан бирига айланди. Ахборотлашган жамиятда сўз санъатида бўлган муносабатни шакллантириш йўлида мутахассислар техник воситаларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилиб, олиб бораётган изланишлари рўй бериши мумкин бўлган турли хавф-хатарлардан огоҳ этиди. Бунда журналистика йўналишидаги ишчи иншлар филология ҳамда санъатшунослик соҳалари билан бирга социология, психология, педагогика фанлари билан уйғун ҳолда тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

**Юлдуз ОРТИКОВА,
филология фанлари
номзоди**

Инсон қадр-қиммати ОАВ нигоҳида



Муҳокамалар давомида ОАВ вакиллари маърузачиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этишди.

Хуришид МАРУЛОВ

“Демократлаштириш ва
инсон ҳуқуқлари”ни
варақлаганда...

Ҳар бир нашрнинг ўз аудиторияси, ўқувчиси бўлади. Хох у тармоқ наشري бўлсин, хох мустақил наshr. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, инсон кадр-қиммати, шаъни, ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қатор илмий-таҳлилий мақолаларни чоп этаётган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" илмий-маърифий журнали зийбилар қатлами эътиборига тушиб улгурди.



Журналнинг жорий йилдаги илк сонини varaқлар эканмиш, унда замон билан ҳамнафас илмий мақола-ларни қўрамиз. Жўмладан, инновациялар генезиси ва тараққиёти, таълим соҳасидаги истиқболли вази-фалар, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий негизи, миграция йўнали-шида давлат бошқарувида талаб эти-ладиган мезонлар ва ёшлар ижтимо-ий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни каби ма-вузлардаги қатор таҳлилий-танқидий материаллар муштарийларни бефарқ қолдирмайди. Нашрдаги мақолаларнинг аксариятида ечимни қўтаётган муаммолар, қамчиликлар ҳақида сўз юритилади. Ҳусусан, **“Инновациялар ге-незиси ва тараққиёти”** сарлавҳали мақолада соҳадати ислохотлар, янгиланишлар билан бир қаторда, инновация-ларни ўзлаштириш, ижтимоий оғ йўналишини ўзгарти-ришга боварлиқлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Шунинг-дек, инновацияларни ишлаб чиқишга энамас, уларни иж-тимоий ҳаётга олиб кириш, мақбулларини танлаб, амали-ётга жорий этиш жамиятнинг миллий, тарихий, маънавий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳақ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилади.

Айтиш жоизки, демократик ислохотларнинг муваффақиятини, асосан, жамиятдаги оилаларнинг фаровон турмуш тарзи билан белгиланади. **“Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий негизи ва маънавий мерос”** мақолида айтилганидек, оилалар фаровонлигига эришниш динимиздаги қатор жиҳатлари турмуш тарзимизга кенг тараф этиш билан безосиета болдикди. Муаллиф сўзининг исботи сифатида ислом таълимотида таъкидланган оила мукаддаслиги ва уни асраб-авайлаш, эр-хотиннинг ўзаро ҳуқуқ ва бурчлари, била тарбияси, василлик ва ҳомийлик муносабатларининг мукаммал механизми ҳақидаги фикрларини қуйидагича баён этди: *“Маълуки, оила жамиятнинг табиий асосий бўлини сифатида амалдаги қонулар, одат ва диний қоидалар билан тартибга солинади. Жамиятнинг тараққиётининг ҳозирги босқичида ўзбек халқи маънавиятини, жумладан, диний саводонлигини соғломлаштириш жараёнида ислом таълимотининг оилавий муносабатларга оид қоидаларини илмий таҳлил қилиш ижтимоий заруратга айланмоқда”*.

Бундан ташқари, журналнинг mazkur сонida "Харакатлар стратегияси: янги модернизация босқичи", "Инсон ҳуқуқлари кафолати — давлат ижтимоий сибестининг асосий мезони", "Демократлаштириш жараёни — жамият манъавий институтилари барқарорлашувининг гарови", "Миграция соҳасида давлат бошқарувининг айрим хусусиятлари" каби долзарб мавзудаги илмий-таҳлилий, таъкидий мақолаларни мутолаа қилиш мумкин.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

► ЭРКИН ФИКР

Мамлакатимизда кейинги бир ярим йилда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар туғайли одамлар "уйғонмоқда". Йиллар давомида қатъийлашган "ўзингдан каттага гап қайтарма, у бари-бир ҳақ", деган ҳаётий мезон ўзгармоқда. Уйлаганини, тўғри деб билганини айта олиш, баҳсга киришиш, ўз фикрини, муносабатини ҳимоя қилиш, демакки, сўз эркинлиги турмуш тарзини мизга айланмоқда. Бу эса матбуот эркинлигини янги даражага олиб чиқди. Интернетдаги айрим сайтларга бир кунда юз минглаб ўқувчи мувожаз қилипти. Телеканалларимиздаги баъзи кўрсатувлар миллионлаб томошабинларни йиғмоқда. Кўча-кўйда, йиғин ва маросимларда ҳам ОАВда кўтарилган мавзу ва воқеалар ҳақида баҳс-мунозара, муҳокама давом этмоқда.

ририягга қилган муружа-
ати асосида ёзилган **"Янги
раис ваколатга эгامي?"**
таҳлилий-танқидий мақо-
ласида туман раҳбари
(хозир собик) тавсияси
билан ўзини ўзи бошқа-
риш органларига сайлов-
ни тартибга солуви амал-
даги қонунийликка зид
услубда ўтказилган сайлов
натijasининг ваколатли
эмалсиз даяиллаб берил-
ган. Аммо собик ҳоким
"мен айтган одам раис
бўлади!" дея фикрида
қатъий туриб олади. Тах-
ририйат масала юзасидан
Ўзбекистон Республикаси

навий-маърифий ҳаётидаги роли ва таъсири етарли эълагли хусусида), “Ўринсиз бахоналар, бифарқ раҳбарлар” (хуудлар ифратузъиясини ривожлантиришдаги ўзибўларликлар ҳақида), “Ҳаммомларга бир назар” (саломатлик манбаи бўлган ҳаммомлар қурилиши ва мавжуддари ишламаётгани тўғрисида), “Абадиятга нима ган?” (туман марказидан энг олисдаги қишлоқ аҳолисининг ҳақли талари қондрилиши кераклиги ҳақида) ва бошқа бир неча ўнлаб мақолалар жойлардаги муаммолар ечимига хизмат қили.

лилий макоаларда фарзанд тарбиясидаги долзарб муаммолар каламга олинган. Шунинг айтиши керакки, газетанинг бу макоалалар чоп этилган сони кўлмак бўлди. Махалла, мактаб, ўкув юртларида муҳокама қилиниб муносабат билдирилди.

“Янги Фарғона” газетасини оилалик. Аслида ижобий тажрибани омалаштириш мақсидига чоп этилган Учқўприк тумани “Тепакўрғон” махалла фукаролар йигини ҳулуфидиги хонадонларда томоркасидан бир йилда 3 марта ҳосил олаётган инсонлар хақидаги “Томорқа —

эркин хаятий холатни акс эттириши мавзулар долзарблиги ва журналист малакаси билан уйғунлашиб, талабчан ўқувчи эхтиёжини қондираётгани қувонарлидир.

Ха, вилотларда шу каби газеталар бор. Биз якинда ташкил этган Чимёن медиалагери давомиди Самарқанднинг “Зарафшон”, Амударёнинг “Амударья тараққияти”, Жомбойнинг “Жомбой тоғи”, Наманган шаҳрининг “Наманган садоси” каби нашрларидиги рух, журналист маҳорати, газетачилик тажрибаси умумзабек мабтуўининг юзи бўла олмишни кўйлик.

Устозларимиз журналист воқеликдан бери қадам олдин юриши керак, деў ўргатишган. Лекин бугун шундай бўла олмадик. Ақинча, давлат раҳбари қабул қилган фармон ва қарорлар ортидан “чопиб” юрибмиз. “Жуда тўғри ва зарур қарор қабул қилинди,” деймиз. Аммо унинг моҳияти мавзусини аввалроқ матбуотда қўтариб чиқмадик, муаммога жамоатчилик эътиборини тортиб, бонг урмадик. Шу бугунги вазиятнинг ўзи бизга ибрат, сабоқ.

Бир неча йиллардан буён узлуксиз равишда 5-10 минг ададда чоп этилаётган "Маънавият", "Истиқбол йўли", "Бувайда кўзгуси", "Устоз" каби газеталар сафидан "Янги Фарғона", "Бағдод ҳаёти", "Хушвақт" наشرлари ҳам ўрин олди. Уларда муаммо ва камчиликларни дадил кўтариб чиқиб, бундай нуқсонларнинг олдини олиш бўйича амалий фикрлар бериш, муаммонинг сабабларини ўрганиш, мавзуга ҳолис ва ҳаққоний ёндашшни кузатиш мумкин. Айрим ийсолларга мурожаат қиланмиз. Қўштепа тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Истиқбол йўли" газетасида муштарийлардан келган мактублар асосида "Журналист текшируви", "Журналист суриштируви" каби руқулар остида ёриштилаётган ҳар бир таҳлилий ва танқидий мақола натижа бераётди. Масалан, фуқароларнинг тах-

раисига мурожаат килди. Натижада Дўрмон кишло-
вида сайлов кайтадан
ўтказилиб, қонун устувор-
лиги таъминланди.

**"Хўро кичкирмаса,
тонг отмайdimи?!"** сар-
лавхали журналист те-
кшируви ҳам бир гуруҳ
муштарийлар мурожаати
асосида дунёга келган.
Унда чигит навиши синаш
станцияси учун ажратил-
ган майдонлардан агро-
техника талаблари асоси-
да фойдаланилмаётгани
боис, оддий ҳўжаликлар-
да янги навлардан юқори
ҳосил олинаётган бир
пайтда, бу ҳўжаликда ре-
жалар сурункали бажар-
илмай келаётгани сабаб-
лари очиб берилди. Бу
муаммо ҳам тахририят-
нинг қатъияти билан
охир-оқибат Олий ҳўжа-
лик суди аралашувида
бартараф этилди. **"Фаол-
дикки амалда қачон
исботлайсиз?"** (сиёсий
партияларнинг туман жи-
тимоий-иктисодий, маъ-

ечимига хизмат қилди.

"Маънавият" газетасида чоп этилган "Табабалар сессиясидаги ўйлар", "Тўйларимиз қачон тартибга тушари", "Тўй — маънавият қўғуси" каби таҳлилий тақридий мақола-ларда кўтарилган мазмунлар кенг жамоатчилик ўртасида бахс-мунозараларга сабаб бўлди. Газета фақат бу мақола-лар билангина чекланиб қолмай, унга нисбатан турлича муносабатдаги фикрларни ҳам чоп этди. Бу эса жамиятда йиғилиб қолган баъзи бир муаммо-ларга жамоатчилик назорати пайдо бўлишига ҳам хизмат қилди.

"Устоз" газетасидаги "Бола жиноятга қўл урса..." "Бунга ким айбдор?" Унинг ўзини, ота-онани ёки ўқитувчи?" "Бигирув та-дбирлари: дабдаларга ким сабабчи?" "Интернет-даги таҳдидлар: тўғри йўлдан алашманг", "Соҳ-ёнинг одобларимиз" ва бош-ка бир қатор тақийлий та-

хақидаги "Томорка —
дўзгор баракаси" макола-
си тортишув, бахс муноза-
рага сабаб бўлди. 5-10 со-
тих томоркаси бўла туриб,
ҳеч нима экмаётганлар сув
таъминоти, уруғчилик, мах-
сулотни сотиш каби қатор
муаммоларни кўтариб чиқ-
дилар.

Бу бир қарашда майда
масаладек туюлар. Лекин
газетада ҳар икки томон-
га ҳам минбар, ўз фикри
тўғрилигини исботлашга
имкон берилиши илгари
бир ёклама тарбиётчига
айланган нашрга янгича
руҳ бағишлади. Унинг их-
тиёрий муштарийлари
сафи кенгайди. Колавер-
са, "Янги Фарғона" тамо-
мила янгича қиёфа касб
этди. Дизайни, ҳеч мубо-
лагасиз, мамлакатимизда-
ги энг кўримли шаклда.
Сарлавҳа танлаш, макола-
даги муҳим сатрларни аж-
ратиб кўрсатиш, иктибос-
ларни бошқа ўлчовдаги
харф ва рангда жойлаш-
тириш, фотосуратларда

булак матбуотининг кўрдики.

Шу ўринда яна бир гап. Баъзи ҳамкасбларимиз, ҳатто ҳурматли олимларимиз ҳам "маҳаллий матбуот" деган иборани қўлладилар. Мен бундай таснифга мутлақо қаршиман. Матбуотнинг "марказий" ёки "маҳаллий"си бўлмайди. ОАВ ва унда айтилган сўз учун таърирнинг ва муаллиф Тошкентда ҳам, Фарғонада ҳам қонун олдида баб-баробар масъул. Гап нашрнинг марказда ёки вилоятларда чоп этилаётганида, ҳолос.

Биз замонавий журналистика ҳақида гапирган, таҳлил қилган пайтда мамлакатимиздаги барча ОАВни билиш ва назарда тутишимиз адолатдан бўлади.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Фарғона вилояти бўлими
раиси,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист

АФҒОНИСТОН:

буғун ва эртага нима бўлади?

ТАРИХ

Афғонистонда 1978 йилги Савр (апрель) инқилоби мамлакат ҳаётида сиёсий ислохотларни кўзлаган эди. Уша пайтда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириб келиши саноат тузилмаларини ривожлантиришга имкон берганди. Аммо бир йилдан сўнг, қўқисдан янги ҳукуматга советларнинг мамлакатга қурол-ярғо билан кириши тескари натижа берди. Совет иттифоқи ижтимоий соҳада қўллаган модернизациялаш анъанавий жамият тузилмаларини бузишга олиб келганди. Урушдан олдин анъанавий жамият ва замонавий жамият ўртасида ўзаро кураш бир томонлама хал этилмаганда четдан бу тариха кириш вазиятни янада чигаллаштириб юборди. Хон ва маликлар (қабила бошликлар, кучли ер эгалари) ғарбийлаштирилган Кобул, Мозори Шариф элиталари томонидан таҳдидлар ва хавф-хатарни сезиб келишарди. Миллий кучлар совет аскарларига қарши уруш эълон қилгач, минглаб мактаблар ва маъмурий бинолар вайрон бўлди, юзлаб маърифатли инсонлар ўлдирилди. Кирк йиллик уруш 1978 йилгача мавжуд бўлган афғон жамияти ички кучлари тенглигини бузди ва ягона афғон давлатини қайта тиклаш, иқтисодий ривожлантириш масаласини орқага суриб ташлади.

Афғон жамиятида 1978 йил инқилобига қадар пуштунлар етакчи мавқени эгаллаб келар, ҳокимият учун курашни асосан, ўнг пуштун элитаси олиб борарди, бошқа майда уюшмалар унга қўшилмасди. Янги Афғонистоннинг етакчилари: охири амир Зоҳиршоҳ, 1978 йил апрель инқилобиде ағдариш президент Довуд, 1979 йилги фтинда ўлдирилган Халқ демократик партияси лидери Таракӣ, ўша йили совет махсус десантчиларининг президенти саройига уюштирган қаттиқ ҳужумида ўлдирилган Амин, 1986 йилда ҳокимиятдан туширилган Кармал, ниҳоят, 1996 йил кузига Кобул толиблар томонидан олинганда осиб ўлдирилган ташки кучларнинг яна суқилиб кириши Нажибулло ва афғон мужоҳидларининг кўплаб лидерлари анъанавий пуштун элитасининг вакиллари эдилар. Нажибулло тузумининг кулаши билан Афғонистонда фуқаролар урушининг биринчи босқичи тугалланди.

2003 йилда терроризмга қарши курашиш баҳонасида бу юрда мустаҳкам ўрнашиб олган АҚШ ва НАТО харбийлари мамлакатда сиёсий-иқтисодий аҳволни яна издан чиқариб, мамлакат бойлигини талаб кетишди.

Тахлилимизга кўра, Афғонистонда давом этган қарийб 40 йиллик кураш жараёни ушбу салбий оқибатларга олиб келди: а) чет эл интервенцияси ва фуқаролар уруши ягона афғон давлатининг потенциаллини емирди; б) таълим, саноат, давлат бошқаруви тизими деярли издан чиқди; в) анъанавий афғон жамияти элитаси обрўсига жиддий путур етказди.

ЭЪЛОНЛАР

“Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali” бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Қибрай туман ДСЭМнинг 2018 йил 24 мартдаги 03/552-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Садоқат кўчаси 43-уй манзилида сақланаётган, қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/609 RAA бўлган “Тико” русумли техник носоз автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 3 318 000 сўм;

2) 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10/559 OAA бўлган “Дамас” техник носоз

автотранспорт. Бошланғич баҳоси – 7 695 000 сўм;

Автотранспорт воситалари 2018 йил 4 май кунини соат 10:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, тақририй савдолар 2018 йил 18 май кунини соат 10:00 да ўтказилади. Савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 4 майдаги савдо учун 2 май, 18 майдаги савдо учун 16 май кунини соат 18:00. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

➤ ШАРҲ



ЎзА олган сурат



– Марказий Осиёни Жанубий Осиё ва бошқа минтақалар билан боғловчи табиий кўприк, деб эътироф этилмоқда. Аслида ҳам шундай. Шу ниятда конференция иштирокчилари савдо-транзит, транспорт, энергетика, инфратузилма ва коммуналхона соҳаларидаги минтақавий лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш учун зарур манбаларни топишга келишиб олдилар.

Ушбу декларация Тошкент шаҳрида Афғонистон, Хитой, Франция, Германия, Хиндистон, Эрон, Италия, Япония, Козовистон, Қирғизистон, Покистон, Қатар, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, БАА, Буюк Британия, АҚШ, Ўзбекистон, ЕИ ва БМТ томонидан расман қабул қилинди.

ЭРТАГА

Юқорида тилга олинган ўзаро келишувлар ва қабул қилинган ҳужжатларга таянган бўлсак, Тошкент конференциясида жуда муҳим масалаларнинг ечимига киришилганини қайд этиш лозим.

Биринчиси, ҳудудда тинчлик ва осойишталикка эришилса, бу тарихий ҳодиса минтақамиз иқтисодий тараққиёти учун етакчи сиёсий омилга айланади.

Иккинчиси, минтақада сув жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Афғонистон ҳам сувга доир барча муҳокамаларда қатнашади.

Учинчиси, транспорт йўлагини очилиб, миллатлараро интеграциялашув жараёни кучаяди. Республикамиз таклиф этган янги темир йўл йўналиши Афғонистон ҳукумати учун жуда зарурлиги аён бўлиб қолди. Гап шундаки, эндиликда Ўзбекистон Афғонистоннинг иқтисодий ривожланишида фаол иштирок этади. Мисол учун, Мозори Шариф шаҳри бошқа мамлакатлар пойтахтлари билан аллақачон тўғридан-тўғри алоқага киришган. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган қадимий мамлакат билан ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга қўтариш нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё учун катта йўналишга айланиши мумкин.

Тўртинчиси, 1980 йилларда бошланган ички уруш, оилавий талафотлар, йўқотишлар сабабли юрт туғроғини тарқ этиб, дунё мамлакатларига тарқалиб кетган 5 миллионга яқин афғонистонлик қочқоқларнинг яна она заминига қайтиб келишига шарт-шароит тузилади.

Бахтиёр ОМОНОВ,
сиёсий фанлар номзоиди

➤ БУ ТУРФА ОЛАМ

ЕР СИНИШИ ТУФАЙЛИ АФРИКА ИККИГА БЎЛИНАДИМИ?

Шундай табиат ҳодисалари бўладики, инсоннинг ақлини шоширади. Улар улкан фалокат бўлиши ҳам мумкин. Кения жануби-ғарбида ҳосил бўлган ер синиши Найроби – Нарок шоссесининг бир қисми вайрон бўлишга олиб келди. Манбаларда ушбу ёриқ ҳудуддаги сейсмик фаоллик натижасида юзата келгани айтилмоқда.

Рифт водийсида ҳосил бўлган ёриқ 3000 километрга чўзилган бўлиб, Африкани иккига тенг бўлмаган қисмга — Сомали ва Нубия плитасига ажратган. Улар йилига 6-7 миллиметр миқдорда бир-бирдан ажралмоқда.

138 миллион йил аввал ҳудди шундай қитъа ёрилиши натижасида Атлантика океани пайдо бўлган эди. Ушанда Африка ва Жанубий Америка бир-бирдан ажралган. Ҳозиргача уларнинг қирғоқ чизиқлари бир-бирига мос келишини кузатиш мумкин. Шунга ўхшаш ҳолат Рифт водийсида ҳам юз бериши мумкин ва бу билан океан ёриқни тўлдирди ҳамда Африка қитъасининг бир қисми (Эфиопия ва Сомалини ўз ичига олувчи) катта оролга айланади.

МАСТ ОДАМНИ ЙЎЛАТМАЙДИГАН МАШИНА

Автомобилларнинг шунақа ғаройиб турлари яратилганлиги, ҳайратга тушмай қўйиб қўйди. Ушундан машина ортидан эндиликда яна бир янгиси пайдо бўлди.

Хитойнинг “SF Motors” компанияси “SF5” кроссоверини яратди. Янги автомобиль маст ҳайдовчиларга ўзини бошқаришга рухсат бермайдиган тизим билан жиҳозланган. Автомобил яратувчилари ҳозирча мазкур тизим қандай ишлаши ҳақида батафсил маълумот беришмади. Бироқ таъкидлашчи, унга ҳайдовчининг чиқарган нафасини кузатиб бора оладиган қурилма ўрнатилган.

Автомобил бир марта қувватланиш орқали 500 километр масофани босиб ўтишга қодир аккумуляторга эга бўлиб, машинага 1000 от кучига эга двигателъ ўрнатилган. Кроссовер 100 км/соат тезликка 3 сонияда эриша олади.

ҚУЁШ БАТАРЕЯСИ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН МЕҲМОНХОНА

Норвегия шимолида қуёш батареялари ёрдамида ишлайдиган дунёдаги ilk меҳмонхона қурилиши қўзда тутилган.

Меҳмонхона мамлакат шимолидаги Свартсен музлиги яқинида бунёд этилиши мўлжалланмоқда. Ушбу “Svart” меҳмонхонасининг томига электр энергиясини ишлаб чиқаришга мўлжалланган қуёш батареялари ўрнатилди. Бинонинг ташқи қўриниши ҳалқасимон бўлиб, унинг пойдеворини сувга қоқилган тўсинлар ташкил этади. Унинг дизайни эса Шимолий Норвегиянинг анъанавий бинолари қўринишидан, яъни балиқчилар ўн йиллардан буён фойдаланиб келган “қуриқич”лардан илҳомланиб яратилгани маълум қилинган.

Меҳмонхона 2021 йилда очилади. Режага кўра иншоотни Норвегиянинг энг яқин йирик шаҳри Будё билан боғлашга хизмат қиладиган экологик кема ҳам ишга туширилади.

ЯПОНЛАРНИНГ ҚАДИМИЙ ҲАЗИНАСИ

Япониянинг Сайтама префектураси Хасуда шаҳридан XV – XVI асрларга тегишли хазина топилиди.

Юз минглаб қумуш тангадан иборат ушбу хазина мамлакат тарихида топишган йирик бойлик, дея баҳолашмоқда топилма сақланаётган музей вакиллари. Тангалардаги ёзувлар уларнинг ўрта асрларга тегишли эканини кўрсатмоқда. 260 минг қумуш танга бўйи 70 сантиметрли сопол қўзда яхши сақланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўртасида тешик бор ва ундан ип ўтказилиб, бириктирилган.

Япония тарихидан маълумки, самурайлар уруғидан бўлган Асикага мамлакатда бошқарув назоратини қўлдан чиқарган, Сэнгок даври бошланади. Бу эса ҳукумат ва ҳарбийларнинг турли провинциялар ҳуқмдорлари билан тўқнашувини келтириб чиқарган. Археологларнинг фикрича, ушбу хазина XV асрдан кейинги ана шундай нотинч, ғалаёнли йиллар учун атайин сақлаб қўйилган.

Интернет материаллари асосида Х.АХМАДЖОНОВА тайёрлади.

Маълумоти: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz; gazhurriyat@mail.ru

*Газета таърифи: компьютер марказида терилди
ва дизайнёр Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Бобур Муҳаммадиев

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Д. Тоғамбаев йўли, 20-йил